



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 13

между УП "Тахиаташская Нефтебаза" и КР Адлия вазирлиги на общую сумму 35310300,06

Глава 009  
Казначейский лицевой счёт 401021860354017033602009002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4252500			
Январь	9 230 048,04			9 230 048,04
Февраль				
Март				
Апрель	8 586 091,20			8 586 091,20
Май				
Июнь				
Июль	8 586 091,20			8 586 091,20
Август				
Сентябрь				
Октябрь	8 908 069,62			8 908 069,62
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>35 310 300,06</b>			<b>35 310 300,06</b>

Всего 35310300,06 сум

Тридцать пять миллионов триста десять тысяч триста сум 06  
тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_% \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Мамбеткадыров Сайлаубай Аманбаевич  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Аширбеков Азат Уббиниязович  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

\_\_\_\_\_ (подпись)

Получил работник заказчика

\_\_\_\_\_ (подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
13-сонли ШАРТНОМА

05 январь 2022 йил

Тахياتош тумани

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахياتош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи жамият директори П.А.Бабаназаров бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги номидан устав асосида иш юритувчи вазир С.Мамбеткадыров иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг қуйидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
						I	II	III	IV
Автобензин	АИ80	тонна	10732614,00	3,290	35310300,06	0,860	0,800	0,800	0,830
<b>Жами:</b>				<b>3,290</b>	<b>35310300,06</b>	<b>0,860</b>	<b>0,800</b>	<b>0,800</b>	<b>0,830</b>

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

### 2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 15% ҚҚС ҳисобланган ҳолда **35310300,06** (ўттиз беш миллион уч юз ўн минг уч юз) сўм 06 тийинни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржа нархларида шаклланади ва нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

Дизель ёқилғисидан ташқари (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда янги нархлар қўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида дизель ёқилғисини (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) белгиланган тартибда алоҳида (нефть маҳсулотларини тошиш хизмати) шартнома асосида, дизель ёқилғисидан ташқари барча нефть маҳсулотларини «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи»томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотиниташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги зулиқиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

### 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор буйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва миқдорини жамъанга текшириб олади.

4.3. Нефт махсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт махсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

### 5. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт махсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт махсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт махсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт махсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт махсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт махсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

### 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

### 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

### 9. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«Тахياتош нефт базаси» МЧЖ

Манзили: ҚР Тахياتош тумани

Қорақолпоғистоннинг 50 йиллиги кучаси 5 уй


х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,

Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали


ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,

тел: (361) 224 97 78 факс: (361) 572 12 64,

Директор:  П.А.Бабаназаров

Ички сотиш бўлими

Ҳуқуқшунос:



  
Менистр:  Абдуражабов

